

Рахимхўжаев Рустам Нишонхўжаевич,

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академияси Касбий тайёргарлик факультети
Махсус фанлар цикли катта ўқитувчиси



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-8-7>

ГИЎХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ, УЛАРНИНГ АНАЛОГЛАРИ ЎКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАРНИ НАЗОРАТ ОСТИДА ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАДБИРИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Аннотация: Мақолада гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича тезкор-қидирув тадбирлар тизимида назорат остида етказиб беришга тўхталиб ўтилган. Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни назорат остида етказиб беришнинг ҳудудийлигига кўра, ахборотни олиш ва етказиб бериш усулларига ҳамда бошқа мезонларга кўра таснифлашга эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар, гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши, назорат остида етказиб бериш.

Рахимхўжаев Рустам Нишонхўжаевич,

Старший преподаватель цикл специальных дисциплин
Факультет профессиональной подготовки Академия
Министерство внутренних дел Республики Узбекистан

НЕКОТОРЫЕ РАЗМЫШЛЕНИЯ ОБ ОПЕРАТИВНО- РОЗЫСКОНЫХ МЕРОПРИЯТИЯХ КОНТРОЛИРУЕМОЙ ПОСТАВКИ НАРКОТИЧЕСКИХ СРЕДСТВ, ИХ АНАЛОГОВ ИЛИ ПСИХОТРОПНЫХ ВЕЩЕСТВ

Аннотация: В статье определяется место контролируемой поставки в системе мер борьбы с незаконным оборотом наркотических средств, их аналогами или психотропных веществ.

Уделено особое внимание на классификацию лекарств, их аналогов или психотропных веществ в зависимости от региона, доставки и первичной информации и других критериев.

Ключевые слова: наркотические средства, их аналоги, психотропные вещества, незаконный оборот наркотических средств, нормативно-правовые акты, контролируемая поставка.

SOME THOUGHTS ON OPERATIONAL-SEARCH ACTIVITIES FOR THE CONTROLLED DISTRIBUTION OF NARCOTIC DRUGS, THEIR ANALOGUES OR PSYCHOTROPIC SUBSTANCES

Annotation: The article deals with the place of controlled delivery in the system of measures to combat illegal circulation of drug trafficking, their analogues or psychotropic substances. Special attention is paid to the classification of drugs, their analogues or psychotropic substances, depending on the region, delivery and primary information and other criteria.

Key words: narcotic drugs, their analogues, psychotropic substances, illegal circulation of narcotic drugs, normative-legal acts, controlled distribution.

For citation: Rakhimkhujayev Rustam Nishonkhujayevich. SOME THOUGHTS ON OPERATIONAL-SEARCH ACTIVITIES FOR THE CONTROLLED DISTRIBUTION OF NARCOTIC DRUGS, THEIR ANALOGUES OR PSYCHOTROPIC SUBSTANCES. Journal of Law Research. 2019, 8 vol., issue 1, pp. 43-49

Бугунги глобаллашув даврида янгидан-янги таъдид ва хавф-хатарлар пайдо бўлмоқда, жиноятларни содир этиш усул ва воситалари, мақсадлари ўзгариб бормоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда кейинги икки йилда бу масалалар бўйича 100дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, ички ишлар тузилмалари ислоҳ этилди. "Хавфсиз шаҳар", "Хавфсиз туризм", "Хавфсиз хонадон" тизимлари жорий этилди [1], - деб таъкидлаб ўтган эди давлатимиз раҳбари 2019 йил 10 январдаги видеоселектор йиғилишида.

Республикаимизда сўнгги йилларда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш мақсадида бир қатор меъёрий ҳужжатлар, жумладан тезкор-қидирув фаолиятини бевосита тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги (кейинги ўринларда "Қонун" деб юритилади) қонуни қабул қилинди. Қонунда тезкор-қидирув тадбирларининг турлари, уларни ўтказиш асослари ва шартлари белгилаб қўйилди.

Қонунда кўрсатилган назорат остида етказиб бериш гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни (кейинги ўринларда "гиёҳвандлик воситалари" деб юритилади) ноқонуний айланишига қарши курашиш тизимида энг муҳим ва самарали тезкор-қидирув тадбири ҳисобланади. Мазкур тезкор-қидирув тадбири нафақат Республикаимизда, балки МДҲ давлатлари, шунингдек бошқа давлатлар миқёсида ҳам кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний ўтказиш билан шуғулланувчиларнинг жиноий фаолиятини фош этиш билан боғлиқ бўлиб, биринчи марта тактик операция сифатида назорат остида етказиб бериш 1970 йилларнинг охирида Интерпол томонидан гиёҳванд моддалар контрабандасига қарши курашда қўлланилган. Интерполнинг Бош Ассамблеяси 48-сессияси (1979 йил, Найроби) ҳисоботида таъкидланганидек, кўпчилик

мамлакатларда қонун ва амалиёт гиёҳванд моддалар контрабандасига қарши курашиш имкониятини яратади, бу йўналишда халқаро полиция ҳаракати амалга оширилиши мумкин [2, С.153].

Ҳозирги кунда назорат остида етказиб бериш дунёнинг кўплаб мамлакатлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан қўлланиладиган тезкор-қидирув тадбирлар тизимига киритилган.

Ўзбекистон қонунчилигида ҳам назорат остида етказиб бериш тезкор-қидирув тадбирини ўтказилишига рухсат этилганлиги кўп жиҳатдан халқаро ҳуқуқ нормаларининг талаблари билан боғлиқдир. Гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда муомалага чиқаришда иштирок этувчи шахсларни аниқлаш усули сифатида назорат остида етказиб беришдан фойдаланиш зарурияти БМТнинг 1988 йил 19 декабрдаги "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисида"ги Вена конвенциясида кўрсатиб ўтилган. Давлатларнинг жиноятчиликка қарши кураш бўйича ҳамкорлигини тартибга солувчи бир қатор бошқа халқаро шартномаларда ушбу усулнинг нафақат наркотиклар, балки қурол-яроғ, маданий бойликлар ва бошқа нарсаларнинг ноқонуний муомалада бўлишини тўхтатиш учун ҳам қўлланиши мумкин эканлиги эълон қилинган [3].

Гиёҳвандлик воситалари ноқонуний айланишини назорат қилишнинг асосий босқичлари БМТ томонидан ишлаб чиқилган қоидалар ва ҳужжатларга асосан бошланган. Шундай ҳужжатлардан бири 2000 йил 15 ноябрь кундаги БМТ Бош Ассамблеясининг 55-сессиясида қабул қилинган Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси ҳисобланади. Конвенциянинг 2-моддаси "и" бандида "Назорат остида етказиб бериш" жиноятни тергов қилиш ва жиноятни содир этишда иштирок этувчи шахсларни аниқлаш учун уларнинг ваколатли органлари билим ва назорати остида ноқонуний ёки шубҳали юкларнинг бир ёки бир нечта мамлакатларга олиб кириш, ташиш ёки олиб чиқиш усулини англатади [4], - деб таъриф берилган.

"Гиёҳвандлик воситаларини назорат остида етказиб бериш" тушунчаси муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлса-да, қонунчилигимизда ушбу тушунча ёритилмаган. Шунга қарамай, "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонунда (14-м.) назорат остида етказиб бериш тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра - эркин реализация қилиниши тақиқланган ёки муомаласи чекланган ёхуд жиноят объекти, предмети ва қуроли бўлган товарлар, валюта қимматликлари, моддалар ва бошқа предметлар олиб ўтилишини (ташилишини, жўнатилишини, топширилишини) тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш мақсадида ноошкора назорат қилишдан иборат бўлган тадбир [5], - деб таъриф берилган. Гиёҳвандлик воситаларини назорат остида етказиб бериш тушунчасини ёритишда ушбу қонундан асос қилиб олиш лозим.

Гиёҳвандлик воситаларини назорат остида етказиб бериш тезкор-қидирув тадбири тушунчасига бир қатор олимлар ўзларининг фикрларини айтиб ўтган. Жумладан, рус олими В.М. Михаилов "Тезкор-қидирув фаолияти амалиётида назорат остида етказиб бериш қонун ҳужжатларида белгиланган асосларга кўра тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш ваколатига эга бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар назорати остида гиёҳвандлик воситаларини аниқлаш, жиноятлар ва уларни содир этишда иштирок этган шахсларни ушлаш" [6, С.12], деб таърифлаган. Бироқ унинг гиёҳвандлик воситаларини назорат остида етказиб

бериш тезкор-қидирув тадбири тушунчасига берган ушбу таърифида гиёҳвандлик воситаларини етказиб бериш, ўтказиш ва сотиш билан шуғулланаётган шахсларни аниқлаш, уларнинг жиноий фаолиятини фош этиш каби хусусиятлар эътибордан четда қолдирилган.

Б.Э. Закиров ҳам бу борада қуйидагича ўз фикрини билдирган: назорат остида етказиб бериш - гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш (ташиш, жўнатиш) устидан назоратни ташкил этишдан иборат бўлган тезкор-қидирув тадбири [7, С.251]. Фикримизча, ушбу тушунча гиёҳвандлик воситаларини назорат остида етказиб бериш тушунчасининг моҳиятини тўлиқ қамраб олмаган. Чунки тушунча гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш (ташиш, жўнатиш) устидан назоратни ташкил этишга қаратилган бўлиб, гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний ўтказиш (ташиш, жўнатиш) билан шуғулланаётган шахсларни, ташкилотчилар ва буюртмачиларни аниқлаш ҳамда уларнинг жиноий фаолиятини фош этишни қамраб олмаган. Шу боис гиёҳвандлик воситаларини назорат остида етказиб бериш тушунчаси ўз мазмунида гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний ўтказиш (ташиш, жўнатиш) билан шуғулланаётган шахсларни, ташкилотчилар ва буюртмачиларни аниқлаш ҳамда уларнинг жиноий фаолиятини фош этиш мақсадини қамраб олиши лозим.

Фикримизча, "гиёҳвандлик воситаларини назорат остида етказиб бериш" тушунчасига таъриф беришда қуйидаги хусусиятларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ:

- гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний ўтказиш (олиб кириш, олиб чиқиш, жўнатиш, транзит) билан боғлиқ фаолиятга алоқадор барча шахсларни аниқлаш ва уларнинг жиноий фаолиятини фош этиш;
- гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноятларга қарши курашда керакли маълумотларни олиш;
- бир ёки бир неча давлатлар ҳудудида шартномалар асосида ўтказиш;
- ваколатли органлар билан ҳамкорликда амалга ошириш;
- ноошкора назорат қилиш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбирлар мажмуи.

Қонунда назорат остида етказиб бериш тезкор-қидирув тадбирига берилган тушунча ва юқорида келтирилган олимларнинг фикрларидан келиб чиқиб, биз гиёҳвандлик воситаларини назорат остида етказиб беришга қуйидагича таъриф берамиз:

гиёҳвандлик воситаларини назорат остида етказиб бериш - бу гиёҳвандлик воситалари ноқонуний айланиши билан боғлиқ фаолиятга алоқадор барча шахсларни аниқлаш, жиноий фаолиятини фош этиш ва гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларга қарши курашда керакли маълумотларни олиш мақсадида бир ёки бир неча давлатлар ҳудудида ваколатли органлар билан ҳамкорликда гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний ўтказиш (олиб киришни, олиб чиқишни, жўнатишни, транзитни)ни ноошкора назорат қилиш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбирлар мажмуи.

Назорат остида етказиб бериш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб борган олимлар уни турли мезонларга мувофиқ тавсифлаган [8]. Унга кўра гиёҳвандлик воситаларини назорат остида етказиб беришнинг бир қатор турлари мавжуд.

Биринчидан, ҳудудий асосга кўра:

ички назорат остида етказиб бериш - бир давлат ҳудудида ноқонуний равишда ташиладиган юк (гиёҳванд моддаларни назорат қилиш. Амалиёт бундай операцияларнинг

самарадорлигини тасдиқлайди, чунки улар ноқонуний гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи шахсларнинг минтақалараро алоқаларини, ички ноқонуний гиёҳванд моддалар айланиш манбалари ва каналларини аниқлаш имконини беради;

ташқи назорат остида етказиб бериш (халқаро) - давлат ҳудудига ташқаридан ноқонуний олиб кирилаётган, олиб чиқиляётган юк (гиёҳванд моддаларни назорат қилиш. Одатда, ушбу назорат остида етказиб бериш тадбирида бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи субъектлари иштирок этади;

транзит назорат остида етказиб бериш - бир давлат ҳудуди орқали бошқа давлат ҳудудига юк (гиёҳванд моддаларни ўтказишни назорат қилиш.

Иккинчидан, назорат остида етказиб бериш усулига кўра:

транспорт воситаси орқали назорат остида етказиб бериш (контейнер, махсус идиш, багаж ва бошқ.);

шахсий буюмлар ва инсон танаси ёрдамида назорат остида етказиб бериш (тананинг ички аъзосида гиёҳванд моддаларни ташиш);

почта жўнатмалари орқали назорат остида етказиб бериш;

ташишнинг бошқа усулларидан фойдаланган ҳолда назорат остида етказиб бериш.

Учинчидан, бирламчи ахборотни олиш усулига кўра:

назорат остида етказиб бериш тайёргарлик босқичида (наркотик моддаларнинг келгусида ноқонуний ҳаракатланиши ҳақида тезкор маълумот мавжуд бўлганда) ва наркотик моддаларнинг ноқонуний ҳаракатлари вақтида (наркотик моддаларнинг ноқонуний ҳаракатланиши фактлари тезкор-қидирув тадбирлари жараёнида, шунингдек постлардаги текширувлар, чегара ҳудудида ҳаракатланаётганда ва бошқ.) аниқланган.

Гиёҳвандлик воситаларини назорат остида етказиб бериш тадбирини турларга ажратишда ҳисобга олинмиши лозим бўлган мезонлар юзасидан фикр билдирган рус олими В.С. Овчинский назорат остида етказиб беришнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, аниқланган нарсалар (наркотик моддалар ва бошқалар) операцияни тугатмагунча олиб ташланмайдиган ва тоза, яъни назорат остидаги нарсани тўлиқ ёки қисман олиб кўгирчоқ (муляж) билан алмаштириш (инсон ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга хавф туғдирувчи ва оммавий қиргин қуроллар ишлаб чиқаришда ишлатилиши мумкин бўлган нарсалар алмаштирилиши шарт) керак [9], - деб таъкидлаган.

Назорат остида етказиб беришнинг турли мезонларга кўра бўлиш кераклиги бўйича ўзбек олимлари А.А. Хамдамов, Т.Р. Саитбаев, С.Н. Гордеев, Р.Т. Рашитходжаевлар ва рус олимлари А.Н. Шевораков, К.К. Горяинова, В.С. Овчинский, Г.К. Синилова, А.Ю. Шумиловлар ўзларининг фикрларини билдириб, юқорида келтирилган фикрларни тасдиқлаганлар[10, С.68; 11; 12].

Биз ҳам юқоридаги олимларнинг фикрларига қўшилган ҳолда гиёҳвандлик воситаларини назорат остида етказиб беришнинг ҳудудий асосга кўра мезонига "аралаш" турини киритишимиз мумкин. Чунки гиёҳвандлик воситаси транзит тарзида олиб ўтиляётганда маълум бир қисми республика ҳудудида тарқалиши мумкин. Бу ҳолатда транзит ва ички гиёҳвандлик воситаларини назорат остида етказиб бериш белгилари биргалликда қўлланади.

Гиёҳвандлик воситалари қисман алмаштирилганда комбинация орқали назорат остида етказиб бериш мумкин. Бу операция давомида гиёҳвандлик воситаларини

фақат бир қисмини ишлатиш, бошқа қисмини сақлаб қолиш ва ноқонуний гиёҳвандлик воситалари савдоси билан шуғулланувчиларнинг шубҳаларини бартараф этиш имконини беради. Фикримизча, гиёҳвандлик воситаларини алмаштириш мақсадга мувофиқ-ми ёки гиёҳвандлик воситаларини зарур миқдорини юк таркибида қолдириш керак-ми, деган масалалар миллий қонунчиликка, амалиётнинг тактик хусусиятларига ва бошқаларга қараб алоҳида кўриб чиқилиши керак. Амалиёт шунини кўрсатадики, айрим хорижий давлатлар, масалан, Буюк Британия қоида тариқасида гиёҳвандлик воситаларини назорат остидаги юкдан тўлиқ олиб қўйишни мажбурий деб ҳисоблаб, жиноят иши кўзгагиш ва экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган даражада қолдиради.

Хуқуқбузарларнинг ҳаракатларига қараб, назорат остида етказиб бериш наркотик моддаларни кузатиб борувчи ва куръер билан кузатиб бормайдиган турларга бўлинади. Гиёҳвандлик воситалари назорат остида етказиб бериш тактикасини танлашда кузатувчининг мавжудлиги, шунингдек гиёҳванд моддалар сотувчилари томонидан кузатув олиб борилиши эҳтимоли ҳисобга олинади.

Хулоса қилиб айтганда, гиёҳвандлик воситаларини назорат остида етказиб бериш тушунчасининг қонунга киритилиши ҳамда тезкор-қидирув фаолияти назариясида ушбу тадбирнинг аралаш тури борлиги назарда тутилиши, биринчидан, қонунчиликдаги бўшлиқ тўлдирилади; иккинчидан, бу йўналишда илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бораётган шахсларга илмий-тадқиқот ишининг долзарблиги ва мақсадини аниқ белгилаб олиш имконини беради; учинчидан, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш фаолияти билан шуғулланувчи амалиёт ходимларига гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши курашишда назорат остида етказиб беришдан самарали фойдаланиш имконини яратади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 10 январь кундаги "Қонун устувор, адолат барқарор бўлса, жиноятчиликка ўрин қолмайди" деб номланган видеоселектор йиғилишидаги нуқти. (Statement of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev on January 10, 2019 at the videoconference named "The rule of law is stable, justice will not be crime").

2. Я.М.Бельсон. Интерпол в борьбе с уголовной преступностью. - М.: Наука. 1989. С. 240 (Ya.M.Belson. Interpol in the fight against crime. - M.: Science. 1989. p. 240).

3. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги. Ахборот-қидирув тизими. <https://nrm.uz/> (Legislation of the Republic of Uzbekistan. Information retrieval system)

4. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши" конвенцияси. 2000 йил 15 ноябрь, Нью-Йорк. <http://lex.uz/docs/1304566> (United Nations Convention Against Transnational Organized Crime. November 15, 2000, New York).

5. Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги 2012 йил 25 декабрь кундаги қонунининг 14-моддаси биринчи қисми 14-банди (Article 14, paragraph 14, of the Law of the Republic of Uzbekistan dated December 25, 2012 "On operational-search activities").

6. В.И.Михайлов. Контролируемая поставка как оперативно-розыскная операция. - М.: Изд. Шумилова И.И., 1998. С. 96. (V.I.Mikhailov. Controlled delivery as an operational-search operation. - M.: Edition. Shumilova I.I., 1998. p. 96).

7. А.А.Хамдамов, Т.Р.Сайтбаев и др. Оперативно-розыскная деятельность. Особенная часть: Учебник / ответственный редактор Ш.Т.Икрамов. - Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2016. С. 401. (A.A.Khamdamov, T.R.Saitbaev and others. Operational-search activity. Special part: Textbook

/ editor-in-chief Sh.T.Ikramov. - T.: Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2016. p. 401.)

8. Р.Х.Кубов. Оперативно-розыскная профилактика организованных преступлений в сфере внешнеэкономической деятельности // Российский следователь, - М.: 2008, № 3. <http://centerberg.ru/m2893.html> (R.Kh.Kubov. Operational-search prevention of organized crimes in the sphere of foreign economic activity // Russian investigator, - M.: 2008, No. 3).

9. К.К.Горяинова, В.С.Овчинского, А.Ю.Шумилова. Контролируемая поставка // Оперативно-розыскная деятельность / - М., 2001. (K.K.Goryainov, V.S.Ovchinsky, A.Yu.Shumilova. Controlled delivery // Operational-search activity / - M., 2001).

10. А.А.Ҳамдамов, Т.Р.Сайтбаев ва бошқ. Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонунига шарҳ. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. - 236 б. (A.A.Hamdamov, T.R.Saitbaev and others. Review of the Law of the Republic of Uzbekistan "On operational-search activities". - T.: National Academy of Sciences of Turkey, 2015. - p. 236).

11. А.Н.Шеворakov. Правовая характеристика контролируемой поставки как оперативно-розыскного мероприятия, осуществляемого Федеральной Службой Безопасности: дис. кандидат юридических наук: Москва. 2005. - С. 140. (A.N.Shevorakov. Legal characteristics of the controlled delivery as an operational-search activity carried out by the Federal Security Service: diss. Candidate of Law: Moscow. 2005. - p. 140).

12. К.К.Горяинова, В.С.Овчинского, Г.К.Синилова, А.Ю.Шумилова. Оперативно-розыскная деятельность: Учебник. 2-е изд., доп. и перераб. М.: ИНФРА-М, 2004. - С. 848. (K.K.Goryainov, V.S.Ovchinsky, G.K.Sinilov, A.Yu.Shumilova. Operational-search activity: Textbook. 2nd edition, addition and recycle. M.: INFRA-M, 2004. - p. 848).